

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

FJ1646357743

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "ISHTIXON TUMAN MOLIYA BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Ishtixon tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**A.O'.Mustafayev**

07.11.2022

# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «7» 11

39-7-95-МО/2022-сон

ш.

## ШАРТНОМА № 1 / 01

*Товарни ишлаб чиқариш, етказиб бериш,  
ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш*

Тошкент шаҳри.

"07" ноябр 2022й.

Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокимлиги молия бўлими (бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталади) молия бўлими мудири С.Р.Ибрагимов томонидан тегишли Низом асосида фаолият олиб борувчи ва «SUN-HIGHTECH» Масъулияти Чекланган Жамияти (МЧЖ) (бундан буён матнда «Ижрочи» деб аталади) бош директори Э.Т.Абдуллаев томонидан Устав асосида фаолият олиб борувчи, бундан кейин биргаликда «Томонлар» деб аталади, ҳамда алоҳида ҳар бири «Томон» деб аталади ва куйидаги шартлар бўйича шартномани туздилар ва имзоладилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи қуввати 10кВ бўлган фотозлектрик куёш станциясини (On-Grid) ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш (бундан буён матнда «Товар» деб юритилади) бўйича бир қатор ишларни бажариш жараёни мажбуриятини олади Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокимлиги Молия бўлимига тегишли бўлган ҳудудда.

Мазкур шартнома Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокимлиги Молия бўлими томонидан **Товарни** харид қилиш бўйича 2022 йил 26 октябрдаги 160113-сонли энг яхши оферта лотини танлаш бўйича харид қилиш комиссиясининг баённомаси асосида тузилади.

1.2. **Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишлар бажариш жараёни пайтида **Ижрочи** томонидан фойдаланиладиган барча товар-моддий бойликлар қиймати ушбу шартноманинг умумий қийматига киритилади.

## II. ТОВАР ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича **Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш ишлар жараёни умумий қиймати **98 900 000 (тўқсон саккиз миллион тўққиз юз) сўми**ни ташкил қилади, шу жумладан Қўшилган Қиймат Солиғи (КҚС) билан.

2.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов маблағларини **Буюртмачи** томонидан **Ижрочи** ҳисоб рақамига куйидаги тартибда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

- **Томонлар** ушбу шартномани имзолаган кундан бошлаб, **Товарнинг** умумий қийматидан келиб чиқиб, олдиндан 30% (Ўттиз фоиз) тўлов миқдорини 5 (беш) банк куни ичида амалга ошириш;

- **Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш ишлар жараёни 10 (ун) кунлик банк куни ичида тўлик бажарилгандан кейин, **Товарнинг** умумий қийматидан колган 70 % (Етмиш фоиз) миқдорида тўлов қилиш амалга оширилади ҳисоб-китоб (счет-фактура) варақаси ва унга илова қилинган бажарилган ишлар

далолатномаси асосида.

### III. ТОВАРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

**3.1. Ижрочи** товарларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш бўйича ишлар жараёни дарҳол амалга оширишни бошлайди, қачонки мазкур шартнома **Томонлар** тарафидан имзолагандан кейин ва 5 (беш) банк куни ичида **Буюртмачи Ижрочининг** ҳисоб рақамига мазкур шартномани шартларига кўра **Товарнинг** умумий қийматидан олдиндан 30% (Ўттиз фоиз) тўловни амалга оширгандан сўнг.

**3.2.** Ушбу шартнома бўйича товарларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишлар жараёни бажариш муддати 2022 йил «07» ноябрдан 2022 йил «31» декабрга қадар белгиланади.

**3.3. Ижрочи Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишларни жараёнини муддатидан олдин бажаришга ҳақли.

### IV. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1.** Ушбу шартнома бўйича **Томонлар** қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ушбу тузилган шартнома талаблари юзасидан, **Томонлар** ўзларига керак бўлган маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни сўрашга ва олишга;

- **Томонларнинг** ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, қонунчиликда назарда тутилган барча вазифалар ва усулларларни қўллаш;

- **Томонлар** ўртасида келишилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилишини назорат қилиб бориш.

**4.2.** Ушбу шартнома талаблари бўйича **томонлар** қуйидагилар бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилиш;

- Тузилган мазкур шартнома талабларига мувофиқ, шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тарзда бажариш.

**4.3. Буюртмачи** мажбурияти:

- Ушбу шартнома талаблари бўйича, **Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш ишларни жараёнини амалга оширишдан олдин, ва барча ишлар якунлангач, ўз вақтида олдиндан ва якуний тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

- **Товарларни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишлар жараёнида мазкур шартномада назарда тутилган ишлар бажарилишининг боришини текшириш ва ушбу объектдаги бино ва иншоотларнинг техник параметрларига таъсир қилмайдиган ушбу ёки бошқа ишларга тегишли ўзгартиришлар киритиш учун тегишли ҳужжатлардан фойдаланиш;

- Мазкур шартнома талаблари юзасидан, ишдаги камчиликлар муносабати билан **Буюртмачига** учинчи шахс даъво қилган тақдирда, ушбу даъво бўйича ишга **Ижрочини** жалб қилиш;

- **Ижрочидан Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишларнинг жараёни тўлиқ бажарилганлиги ҳақида расмий равишда хабарнома олгандан сўнг, **Буюртмачи** 2 (икки) кун ичида **Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича тўлиқ бажарилган ишларини қабул қилиб олиши лозим. **Буюртмачи Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича тўлиқ бажарилган ишлари бўйича камчиликлар аниқласа, **Ижрочига** 3 (уч) кун ичида ушбу аниқланган камчиликлар юзасидан **Буюртмачи** расмий равишда мурожаат киритиши лозим.

**4.4. Ижрочи** мажбурияти:

- **Буюртмачидан** олинган техник топшириққа ва бошқа маълумотларга мувофиқ, **Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишлар ҳажмини бажариш мазкур шартнома талабларига биноан;

- **Буюртмачининг** вакили иштирокида ушбу шартнома бўйича **Товарни** ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишлар жараёнини амалга ошириш ва шунда зарурият туғилганда **Буюртмачининг** ёқўшимча ёзма тавсияларини бажариш, амалдаги норматив-меёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ.

- Зарурият туғилганда **Буюртмачи** билан ёзма равишда техник топшириқдаги кўрсатилган айрим талабларни бажармасдан, амалдаги норматив-меёрий ҳужжатлар асосида шу каби ишларни бошқа усулларда ва ёндошуви орқали бажарилишини расмий ёзма равишда келишиш;

- **Буюртмачига товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича тўлиқ ишлар ҳажминини ушбу шартномада белгиланган муддатларда топшириш;

- Техник топшириқни ва мазкур шартномада режалаштирилган **товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишларни **Буюртмачининг** розилигисиз учинчи шахсларга ўтказмаслик.

## **V. ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**5.1.** Ушбу шартнома шартлари бўйича **Товарни** ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишларнинг жараёни тўлиқ бажарилган ҳисобланади, қачонки **Томонларнинг** масъул вакиллари барча бажарилган ишларни қабул қилиш тўғрисидаги икки томонлама далолатнома имзолангандан сўнг.

**5.2.** **Буюртмачи** **Ижрочидан** **Товарни** ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича барча ишлар бажарилганлиги ҳақида хабарнома олгандан сўнг, **Буюртмачи** 10 (ўн) кун ичида мажбур:

- **Товарни** қабул қилиш ишларни амалга ошириш, ва ўрнатиш (монтаж қилиш) ва ишга тушириш бўйича ишларнинг икки томонлама қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани имзолаш;

- Ёки **Товарни** қабул қилмасдан, 3 (уч) кун ичида **Ижрочига** расмий равишда ёзма асосланган эътирознома мурожаати юбориши лозим.

**5.3.** **Ижрочига** расмий равишда келиб тушган асосланган эътирознома асосида **Томонлар** ўртасида аниқланган нуксонларни бартараф этиш шартлари кўрсатилган икки томонлама далолатнома тузилади, ва шундан нуксонларни бартараф этиш муддатлари ҳам далолатномада кўрсатилади.

## **VI. ДАЪВОЛАРНИ КИРИТИЛИШИ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

**6.1.** Ушбу шартномага талабларига биноан, қайси **Томонни** ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, уша **Томон** қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда даъво қилиш ҳуқуқига эга.

**6.2.** Ушбу шартномага асосан қайси **Томонга** даъво киритилган бўлса, уша **Томон** даъво аризаси олган кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун ичида унга расмий равишда ёзма жавоб тақдим этиши шарт.

**6.3.** Даъвога белгиланган муддатда рад жавоби тақдим этилса (ёки қисман рад жавоби тақдим этилса) ёки жавоб умуман тақдим этилмаса, мутасадди **Томон**, қонунчиликда белгиланган тартибда, суд жараёни бошланиш учун ва натижада суд қарорини олиш учун Тошкент иқтисодий судига мурожаат қилиши мумкин.

## **VII. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

7.1. Ушбу шартнома шартлари бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки тўлик даражада бажармаганлик учун **Ижрочи** ва (ёки) **Буюртмачи** амалдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.

7.2. **Товарни Ижрочи** мазкур шартномада белгиланган муддатда ишлаб чиқармаса, етказиб бермаса, ўрнатмаса (монтаж қилмаса) ва ишга тушириш ишлар жараёни ўз вақтида бажармаган тақдирда, **Ижрочи Буюртмачига** ҳар бир кечиккан куни учун **Товар** умумий қийматидан 0,5% миқдорида жарима тўлайди, аммо ҳисоб-китоб қилинадиган ва тўланадиган жарима миқдори **Товарнинг** умумий қийматидан 50% даражасидан ошмаслиги лозим.

7.3. Ушбу шартнома талабларига биноан **Буюртмачи Ижрочига** белгиланган муддатларда ўз вақтида **Товар** учун тўламаганлик ва (ёки) ушбу шартномада назарда тутилган шартларга нисбатан тўловни кечиктирганлик учун, **Буюртмачи Ижрочига** кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4%, миқдорида жарима тўлайди, аммо ҳисоб-китоб қилинадиган ва тўланадиган жарима миқдори **Товарнинг** умумий қийматидан 50% даражасидан ошмаслиги лозим.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

8.1. **Томонлар** шартнома тузиш вақтида, шартнома муддати давомида ва ушбу муддат тугагандан кейин шартнома билан боғлиқ коррупцион ҳаракатларни содир етмаслик мажбуриятини оладилар.

8.2. **Томонлар** мазкур шартноманинг коррупцияга қарши кураш шартларида коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилишини таъминлайди.

8.3. **Томонларнинг** ҳар бири шартнома тузиш пайтида, **Томонларнинг** ҳеч бири тўғридан-тўғри ёки унинг ижро етувчи органлари, мансабдор шахслар ва шартнома билан боғлиқ ходимлар томонидан пул ёки моддий бойликларни ноқонуний равишда ўтказмаганлигини, уларга пул ёки бошқа моддий бойликларни олиш учун кафолатлар, ваъдалар ёки рухсатномалар бермаганлигини кафолатлайди. Шунингдек шартномани тузиш евазига, **Томонлар** ҳеч қандай моддий ёки бирон бир имтиёз олмаганликларни кафолатлайди. **Томонлар** ўзлари жалб этган шахслар (субпудратчилар, агентлар ва тарафлар назоратидаги бошқа шахслар) юқоридаги ҳаракатларни фитна йўли билан содир етмасликлари учун оқилона чоралар кўрадилар.

8.4. **Томонлар** бевосита ёки билвосита давлат хизматчиларига, сиёсий партияларга, шунингдек уларнинг ижро етувчи органларига, мансабдор шахсларга ва ходимларга исталган вақтда ва исталган шаклда (шу жумладан учинчи шахслар орқали) қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга рухсат бермайдилар:

а) юқорида айтиб ўтилган шахсларга лицензиялар ва тартибга солиш органларининг рухсатномалари, солиқ, божхона расмийлаштируви, суд жараёни, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда ноқонуний тижорат ёки бошқа афзалликларни олиш ёки сақлаш мақсадида моддий ёки номоддий активларни тақдим этиш, имтиёзлар бериш ёки етказиш;

б) ноқонуний даромад легаллаштиришга, пул ёки бошқа мол-мулк, шунингдек ўтказиш, конвертация ёки мол-мулкни алмашиш томонидан уларнинг келиб чиқиши легаллаштиришга сифатида, **Томонлар** белгиланган мулк, даромад ёки пул жиноий фаолият деб билган, агар, манба яшириш, манзил, олинган усули, пул ҳақиқий егаллик ёки бошқа мулк, ёки у кимга тегишли коррупция жиноятини қўзғатиш, босим ўтказиш ёки таҳдид қилган бўлса. Бундай ҳолда, бир **Томон** дарҳол бошқа томонни ва ваколатли давлат органларини хабардор қилиши лозим.

8.5. **Товарни** сотиш ва ўтказиш учун шартномалар тузиш жараёнида, **Томонлар** ишлар ва хизматлар, лицензия олиш, рухсат ёки бошқа рухсатномалар, уларнинг таъсири остида ва партиялар манфаатларини ўз номидан ҳаракат қиладиганларнинг (шу жумладан, агентлар, савдо вакиллари, дистрибюторлар, адвокатлар, бухгалтерлар ва бошқа уларнинг номидан ҳаракат қилувчи вакиллар) қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши керак:

- коррупцион ҳаракатларга йўл қўймаслик ва коррупцион ҳаракатларга нисбатан муросасизликка риоя қилиш бўйича кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;
- коррупцион ҳаракатлар учун уларни воситачи сифатида ишлатмаслик;
- фақаткина ишлаб чиқариш, хизмат кўсатиш, ишларни амалга ошириш жараёни пайтда уларни жалб қилиш лозим;
- уларга, қонунчиликда белгиланган тартибда, ўрнатилган пул миқдоридан ошиқча пул тўламамаслик.

**8.6. Томонлар** коррупцияга қарши қўшимча мажбуриятларни ўз зиммаларига олган ва коррупция бузилганлиги тўғрисида хабардор қилинганлиги сабабли, уларнинг номидан иш юритадиган шахсларга босим ўтказмасликларини кафолатлайдилар.

**8.7. Томонлардан** бири 8.4 ва 8.5-бандларда белгиланган коррупцияга қарши мажбуриятлар бузилган тақдирда, бошқа **Томон** бу ҳақда дарҳол хабардор қилиниши ва оқилона тезлик билан тегишли чоралар кўриши лозим. Агар **Томонлардан** бирининг илтимосига биноан бошқа **Томон** белгиланган муддатда қонунбузарликни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрмаса ёки текшириш натижалари тўғрисида хабардор қилмаса, ушбу **Томон** мутассаддизарарни тўлиқ ҳажмда талаб қилишга ҳақлидир.

## IX. ФОРС-МАЖОР

**9.1. Томонлар** шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгар бўлмайди, агар уларни бажаришнинг иложи йўқлиги табиий офатлар ёки ҳарбий ҳаракатлар каби форс-мажор ҳолатлари натижасида юзага келган бўлса. Шунингдек Давлат органлари томонидан ушбу шартнома шартларининг бажарилишига тўсқинлик қилувчи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритилган бўлса ва (ёки) ўрнатилган тартибда янги норматив-меёрий ҳужжат қабул қилинган бўлса, **Томонлар**бу ҳолатда ҳам ҳеч қандай қонуний жавобгарликка тортилмайди.

## X. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

**10.1.** Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар расмий ёзма равишда тузилган ва **Томонларнинг** ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, амал қилади.

**10.2. Томонларнинг** ҳеч бири, мазкур шартнома талабларига биноан, ўз ҳуқуқларини учинчи шахсларга тақдим этишлари тақиқланади. Агарда **Томонларни**, мазкур шартнома талабларига биноан, бунга икки томонлама расмий ёзма розилиги бўлса, унда **Томонлар** ўз ҳуқуқларини учинчи шахсларга тақдим этишлари мумкин.

**10.3.** Ушбу шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эгадир. Томонларнинг ҳар бирида ушбу шартноманинг битта нусхаси мавжуд.

**10.3.** Ушбу шартномада кўзда тутилмаган вазлар бўйича **Томонлар** амалдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига амал қиладилар.

## XI. МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**«ЎЎЮРТМАШИ»**

Самарқанд вилояти Ниниҳон тумани  
Хўжалик Министрлиги

Манзил: Ниниҳон тумани, Ниниҳон  
шаро, А. Гамур участкаси, 1-чи  
Тел: (66) 029-18-19

X P: 1030120010212701113000003  
C T I P: 300743763 ИФЎТ 0700

Ниниҳон тумани бўйича Гамоҳчилик  
бухлари

X P: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банк  
Тош.ш ХККА

C T I P: 361122414



С.Р.Ибрагимов

**«SUN-HIGHTECH»**

«SUN-HIGHTECH»

Манзи: Тошкент, шаҳри Юнусовлар  
Тумани, Ботинлар участкаси, 160 уй

Тел: (90) 322-06-83

X P 2020 0000 2053 0055 3001

с. I I I P 307 238 104

Банк номи:

«ЎЗСANOATQURILISHBANK»

АТБ Банк номи:

МФД 0040. ИФЎТ - 27900



О.Т.Абдуллин



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SUN-HIGHTECH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SUN-HIGHTECH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.03.2020

831331

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307258109

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Bog'ishamol ko'chasi, 160 uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

